

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАМАЖАНОВ ИКРАМЖОН ГАНИЖОНОВИЧ**

**ТАЛАБАЛАРНИ КАСБИЙ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТГА  
ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2021**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**  
**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on pedagogical  
science**

<b>Мамажанов Икрамжон Ганижонович</b> Талабаларни касбий инновацион фаолиятга тайёргарлигини такомиллаштириш.....	3
<b>Мамажанов Икрамжон Ганижонович</b> Совершенствование готовности студентов к профессиональной инновационной деятельности .....	21
<b>Mamajanov Ikramjon Ganijonovich</b> Developing the preparation of students for professional innovative activity.....	40
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of publications.....	44

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАМАЖАНОВ ИКРАМЖОН ГАНИЖОНОВИЧ**

**ТАЛАБАЛАРНИ КАСБИЙ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТГА  
ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Ped1391 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)) ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) манзилида жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ҳақимова Муҳаббат Файзиевна,**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий ошпонентлар:**

**Ибрагимов Холбай Ибрагимович,**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Нурумбекова Ярқинай Анорматовна,**  
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

**Етакчи ташкилот:**

**Жиззах давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «21» кў соат 8:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86, e-mail: [tdpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tdpu_kengash@edu.uz).)

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 1496 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86

Диссертация автореферати 2021 йил «10» кў да тарқатилди.

(2021 йил «10» кў да 37 рақамли реестр баённомаси)

**Б.С.Абдуллаева**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

**Р.Г.Исянов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доц.

**Н.А.Муслимов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., проф.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон олий таълим тизимида талабаларни касбий инновацион фаолиятга тайёргарлигини такомиллаштириш, инновацион фаолиятга тайёрлаш, интеллектуал салоҳиятини жорий қилиш, таълим жараёнида эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини инновацион масалалар ечимига қаратишнинг модулли технологиялари таълим жараёнига татбиқ этилмоқда. АҚШ, Англия, Франция, Германия, Япония, Корея, Россия давлатларида талабаларни шахсий-касбий, тарбиявий, илмий, инновацион, ўз-ўзини бошқариш йўналишларига қўйиладиган талабларни такомиллаштириб бориш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жаҳонда таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида талабаларни касбий инновацион фаолиятга тайёргарлигини ривожлантириш, талабаларни касбий инновацион фаолиятга тайёрлаш кўп компонентли тизимли моделини такомиллаштириш, инновацион фаолиятнинг педагогик имконини таъминловчи омиллар (ижтимоий муҳит, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси, ўқув–услугий таъминот, педагогларнинг компетентлиги)ни мунтазам ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга талабаларни касбий инновацион фаолиятга тайёргарлигини такомиллаштириш, билим даражаларини баҳолаш мониторингини такомиллаштириш, мотивацион, коммуникатив, ижодий ҳамкорликка оид ташкилий, интеллектуал мезонлардан самарали фойдаланиш бўйича илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда олий таълим муассасаларида талабаларни касбий инновацион фаолиятга тайёрлашнинг яхлит тизимини яратиш, янгиликка интилувчан, инновацион фаолият билан шуғуллана оладиган юксак салоҳиятли кадрларни тайёрлаш, инновацион фаолиятни такомиллаштириш, касбий фаолият йўналишлари қамровини кенгайтириш, касбий инновацион фаолиятларни ривожлаштириш ҳамда моддий-техника базани кенгайтиришнинг меъёрий ҳуқуқий асослари яратилмоқда. “...мехнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш”, “...илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш”<sup>1</sup> устувор вазифа сифатида белгиланди. Бу эса, ўз навбатида, талабаларни касбий инновацион фаолиятга тайёргарлигининг шакл, метод ва воситаларини такомиллаштириш ва жорий этишга шароит яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

“Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сон “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Олий таълим муассасаларида бўлажак педагогларни касбий тайёрлаш, уларда касбий ва шахсий сифатларни шакллантириш, инновацион фаолиятга йўналтириш муаммолари Б.С.Абдуллаева, Н.Азизхўжаева, Н.Жуманиёзова, М.Джўраев, Р.Х.Джураев, Б.Зиёмухаммедов, У.И.Иноятов, З.К.Исмоилова, Р.Г.Исянов, Ш.Э.Қурбонов, Ш.Қ.Мардонов, Р.Г.Муллахметов, Н.А.Муслимов, О.Мусурмонова, Қ.Олимов, О.А.Қўйсинов, Д.О.Химматалиев, Д.Юнусова, А.Р.Ходжабоев, Ш.С.Шариповлар томонидан тадқиқ этилган.

Д.А.Белухин, В.П.Беспалько, Н.М.Борытко, И.В.Гармаза, Л.И.Гриценко, Л.В.Занина, И.Ф.Исаев, О.С.Карнова, Д.С.Лихачев, Н.Машлыкина, О.Ю.Макарова, Л.М.Митина, Н.П.Меньшикова, Л.Е.Никитина, Т.Н.Панаева, И.П.Подласый, Е.С.Полат, В.С.Селиванов, В.А.Сластенин, П.И.Пидкасистый, Е.Н.Шиянов, И.А.Черкашинлар томонидан эса, таълим технологияларини такомиллаштириш, ахлоқий тарбиянинг мазмун-моҳияти, бўлажак мутахассисларнинг касбий тайёргарлигини оптималлаштириш касбий таълим контекстида тадқиқ этилган.

Хорижий мамлакатларнинг олимлари Beckerman, Winston, Goldschmidt M., Goldschmidt P.V., Owens G., Й.Шумпетер, Russell J.D., Taylor C, Lea Chapus, Robert E. Glen, П.А.Юцявичене, М.Альберт, В.Грини, М.Мескон, Т.Келлаган педагогларда касбий сифатларни шакллантиришнинг илмий жиҳатларини тадқиқот ишларида ёритганлар.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-2017927124 рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик педагогикаси асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” мавзуси доирасида бажарилган (2017-2020 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади** талабаларнинг касбий инновацион фаолиятга тайёргарлигини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

талабаларни касбий инновацион фаолиятга тайёргарлигини такомиллаштиришнинг фалсафий, педагогик, психологик жиҳатларини таҳлил қилиш;

хорижий давлатлар тажрибалари асосида талабалар (шахсий-касбий, тарбиявий, илмий, инновацион, ўз-ўзини бошқариш)га қўйиладиган касбий инновацион талабларни такомиллаштириш;

талабаларни касбий инновацион фаолиятга тайёргарлигини кўп компонентли тизимли – амалий моделини такомиллаштириш;

талабаларни касбий инновацион фаолиятга тайёргарлигини такомиллашганлик даражалари (юқори, ўрта, қуйи), сифат кўрсаткичлари ва баҳолаш мезонларини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида талабаларни касбий инновацион фаолиятга тайёргарлигини такомиллаштириш жараёни бўлиб, диссертация тадқиқотлари доирасида Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Фарғона давлат университети, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ҳамда Андижон машинасозлик институтларининг жами 652 нафар талабалари қатнашган.

**Тадқиқотнинг предмети** талабаларни касбий инновацион фаолиятга тайёргарлигини такомиллаштиришнинг шакл, метод ва воситалари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида илмий-методик адабиётларни қиёсий-танқидий ўрганиш, таҳлил қилиш, умумлаштириш, кузатиш, социометрик (сухбат, анкета, тест, интервью), педагогик ташхис, тажриба-синов, психологик-педагогик ҳодисаларни тизимли таҳлил, мониторинг қилиш, математик-статистик таҳлил, натижаларни умумлаштириш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

талабаларнинг касбий аҳамиятли идора қилиш, натижаларни таҳлил қилиш ва баҳолаш, бошқалар учун масъулиятни ҳис қилиш сифатлари, муваффақиятли меҳнат фаолиятини ташкил этиш, уюштириш ва бошқарувчанлик кўникмалари, янгиликларни қабул қилиш, инновацияларни амалиётга жорий этишнинг узвий алоқадорлигига мослаштириш асосида аниқлаштирилган;

талабаларнинг инновацион фаолияти ғояни илгари суриш, муаммони кўрсатиш, мақсадни белгилаш, натижага эришиш воситаларини танлаш, ҳамкорликда ишлашни режалаштириш, натижаларни расмийлаштириш, ўзини-ўзи баҳолаш ва рефлексияни амалга ошириш дидактик тамойиллари илгари ўрганилган билимларнинг мантиқий оқибати ҳамда тўлдирувчиси ҳисоблаш асосида такомиллаштирилган;

талабаларни касбий инновацион фаолиятга тайёрлашнинг модели талабаларни ижтимоий ва касбий фаолияти ижодий ўзини-ўзи ривожлантириш, мустақил фикрлаш, касбий инновацион фаолиятни эгаллаш, ақлий ҳаракатларни босқичма-босқич шакллантириш, педагог ва талаба ҳамкорлигини мувофиқлаштириш асосида такомиллаштирилган;

олий таълим муассасалари талабаларининг касбий инновацион фаолиятга тайёргарлиги янгиликларни қидириб топишга ва мазкур янгиликларни тизимли тартибда ишлаб чиқиш кўникмаларини лойиҳалашнинг умумлашган алгоритмининг бажариш фаолиятига татбиқ этиш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

олий педагогик таълим тизимида касбий инновацион фаолият тушунчаси ва унинг моҳияти, талабаларнинг касбий инновацион фаолияти мазмуни илмий асосланган;

инновацион ёндашувлар асосида талабаларни касбий инновацион фаолиятга тайёргарлигининг тизимли амалий модели такомиллаштирилган;

талабаларни касбий инновацион фаолиятга тайёргарлигини тизимли моделини амалий фаолиятга жорий қилиш жараёнини самарали таъминлаш имконини берадиган методик тавсиялар тайёрланган;

олий таълим муассасалари “Касб таълими” йўналишлари ўқув режаларидаги умумкасбий фанлари блокига кирувчи “Касбий педагогика”, “Таълим технологиялари”, “Педагогика. Психология” ва “Касбий таълим методикаси” фанларини ўқитиш жараёнида талабаларни касбий инновацион фаолиятга тайёргарлигини такомиллаштиришга қаратилган интерфаол ўқитиш методлари асосида ўқув жараёнини ташкил этиш бўйича умумкасбий фанлардан қўлланма ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммога педагогик ва психологик, методик ёндашиш ҳамда талабаларни касбий инновацион фаолиятга тайёргарлигини ўрганишда республикамиз ва хорижлик олимлар тажрибаларига асосланганлиги, тадқиқот вазифаларига мос методларнинг танланганлиги, таҳлил ва тавсифнинг миқдор ва сифат жиҳатдан таъминланганлиги, муаммо бўйича ўтказилган тажриба-синов ишларида ўзининг назарий ва амалий тасдиғини топганлиги, тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик-статистик методлар воситасида асосланганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги ҳамда хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олий таълим



муассасаларининг иқтисодий таълим йўналишларида талабаларни касбий инновацион фаолиятга тайёрлаш тушунчаси ва унинг таркиби аниқлаштирилгани, талабаларни касбий инновацион фаолиятга тайёргарлигининг кўп компонентли тизимли-амалий модели ишлаб чиқилгани ва илмий асослангани, талабаларни инновацион фаолиятга тайёргарлигини такомиллаштиришнинг баҳолаш мезонлари, кўрсаткичлари ва сифат даражалари танланганлиги ва асосланганлиги таълим назариясининг ривожланишига маълум ҳисса қўшиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан, талабаларни касбий инновацион фаолиятга тайёргарлиги, иқтисодий таълим йўналишлари талабаларини ижтимоий, маънавий-ахлоқий, илмий, инновацион ҳамда шахсий-касбий сифатларини такомиллаштиришда, талабаларни касбий инновацион фаолиятга тайёрлаш жараёнларида, иқтисодий, педагогик фанлар бўйича инновацион таълим-тарбия амалиётида, ўқув ва методик қўлланмаларни яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Талабаларни касбий инновацион фаолиятга тайёргарлигини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалари асосида:

талабаларнинг касбий инновацион фаолиятга тайёргарлик даражаси касбий аҳамиятли сифатларга эгаллиги, муваффақиятли меҳнат фаолиятини ташкил этиш кўникмаларининг шаклланганлиги, янгиликларни қабул қилиш, инновацияларни амалиётга жорий этишнинг узвий алоқадорлигини ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг янги векторга мослаштиришга оид таклифлар асосида “Педагогик маҳорат” ўқув қўлланмаси ишлаб чиқилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2019 йил 9 февралдаги 133-сон буйруғи билан берилган 133-071-сон гувоҳнома). Натижада талабаларни касбий инновацион таълим муҳитида тайёрлаш сифат даражаси такомиллашган;

талабаларнинг инновацион фаолияти ғояни илгари суриш, муаммони кўрсатиш, мақсадни белгилаш, натижага эришиш воситаларини танлаш, ҳамкорликда ишлашни режалаштириш, натижаларни расмийлаштириш, ўзини-ўзи баҳолаш ва рефлексияни амалга ошириш дидактик тамойиллар ва педагогик вазиятларни мақбулини олиш учун илмий, амалий ғояларни бирлаштириш асосида такомиллаштиришга оид тавсиялар асосида “Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш фанини ўқитиш методикаси” ўқув қўлланмаси яратилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2020 йил 4 майдаги 285-сон буйруғи билан берилган 285-324-сон гувоҳнома). Натижада олий таълим муассасалари талабаларини касбий инновацион фаолиятга тайёрлаш тизими педагогика фани назариясини мазмунини бойитиш ва ривожлантиришга эришилган;

талабаларни касбий инновацион фаолиятга тайёрлашнинг модели талабаларни ижтимоий ва касбий фаолиятни шакллантириш, ижодий ўзини-ўзи ривожлантириш, мустақил фикрлаш, касбий инновацион фаолиятни эгаллашга барқарор мотивациясини белгилаш, ақлий ҳаракатларни босқичма-босқич

шакллантириш, педагог ва талаба ҳамкорлигини ўзаро мувофиқлаштиришга оид тавсиялар асосида “Педагогик маҳорат” ўқув қўлланмаси ишлаб чиқилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2019 йил 9 февралдаги 133-сон буйруғи билан берилган 133-071-сон гувоҳнома). Натижада педагогика назарияси фанини бойитиш ва ривожлантиришга эришилган;

олий таълим муассасалари талабаларининг касбий инновацион фаолиятга тайёргарлиги ижтимоий-иктисодий ривожланиш, инновацион фаолият эҳтиёжлари, креатив фикрлаш, акмеологик ёндашув, рақамли технологиялар концепциясини босқичма-босқич жорий этиш, барқарорлигини таъминлаш бўйича таклиф ва тавсиялар асосида “Педагогика. Психология” ўқув қўлланмаси яратилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2020 йил 14 августдаги 418-сон буйруғи билан берилган 418-190-сон гувоҳнома). Натижада педагогика назарияси фанини бойитиш ва ривожлантиришга, талабаларни касбий инновацион фаолиятга тайёргарлигини такомиллаштиришга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 14 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий-услубий ишлар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, шундан 4 та республика илмий-услубий журналларида, 3 та хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, уч боб, 151 саҳифа матн, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги баён этилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган ҳамда илмий-амалий аҳамияти, натижаларнинг ишончлилиги, амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги, тузилиши ва ҳажми масалалари ўз аксини топган.

Диссертация ишининг биринчи боби **“Талабаларни касбий инновацион фаолиятга тайёргарлигини ташкил этишнинг илмий назарий асослари”** деб номланган бўлиб, унда ўрганилаётган муаммонинг дастлабки назарий таҳлили ўтказилган; талабаларни касбий инновацион фаолиятини ташкил этиш – ижтимоий-педагогик муаммо сифатида таҳлил қилинган; талабаларнинг касбий инновацион фаолиятини оширишга йўналтирилган назарий ёндашувлар

ва уларнинг тарихий-тадрижий ривожланиши илмий адабиётлар асосида тадқиқ қилинган; талабаларни касбий инновацион фаолияти ва уларнинг тайёргарлигига қўйилган талаблар тузилмаси такомиллаштирилган.

Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига хизмат қиладиган, иқтисодиёт соҳасида фаолият олиб бора оладиган, инновацион технологиялар билан қуролланган ҳамда рақамли иқтисодиёт даврида инновацион фаолият билан шуғуллана оладиган кадрларни тайёрлаш борасида бугунги кунда ўз ечимини кутаётган долзарб муаммо ва камчиликлар сақланиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида сўзлаган нутқида “Ҳаммамиз яхши тушунамизки, олдимизда турган кенг кўламли вазифаларни бажариш учун кадрлар билан ишлашнинг бутун тизимини такомиллаштиришга доир бир қатор ишларни албатта амалга оширишимиз керак”, деб таъкидлаган эди.

Инновация (инг. *innovations* – киритилган янгилик, ихтиро) мақсадга қаратилган ўзгариш бўлиб, қўлланиш соҳасидаги тизимни бир ҳолатдан, яъни сифат жиҳатдан янги ҳолатга ўтказиш, уни тубдан такомиллаштиришни, инновацион жараён – янгиликни яратиш, ўзлаштириш, қўллаш ва тарқатишдаги комплекс фаолиятни англатади. «Инновацион жараён» тушунчаси «педагогик инновация» тушунчаси билан узвий боғлиқ бўлиб, жараён (лот. *processus* - силжиш, илгарилаш) аниқ натижага эришишдаги кетма-кет ҳаракатлар мажмуидир.

“Инновация” тушунчаси ўзининг янги ҳаётини “инновацион комбинациялар”ни таҳлил қилиш, иқтисодий тизимларнинг ривожланишидаги ўзгаришлар натижасида XX асрнинг бошида австриялик иқтисодчи Й.Шумпетер илмий ишларида бошлаган. Й.Шумпетер инновацион жараёнларни ўрганиб чиқди ва замонавий усулларни ижтимоий-иқтисодий жараёнларга татбиқ этишни таклиф қилди.

Педагогик тадқиқотларнинг муҳим масалаларидан бири янгиликларни таснифлаш бўлиб, адабиётлар таҳлилида янгилик қандайдир аниқ бир белгиси бўйича таснифланишини кўрсатди. Жумладан, П.И.Пидкасистый янгиликларни қўлланиш соҳасига қараб техник, методик, ташкилий, бошқарув, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий каби гуруҳларга ажратган.

Л.В. Канторович ўз изланишлари натижасига кўра: “Инновация – амалиётда қўлланадиган ҳамда ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий талабларни қониқтирадиган, мос келувчи соҳаларда самара берадиган илмий ихтиро ёки кашфиётлар” - деб, таъриф беради.

Касбий инновацион фаолиятда функционал ва шахсий ёндашувларни таҳлили шуни кўрсатадики, унда қарама-қаршиликлар мавжудлигини кўриш мумкин. Бу қарама-қаршиликлар асосан касбий фаолиятга тайёрликда фақат руҳий ҳолат ёки шахснинг ўзига хос хусусиятларини эмас, балки уни интеграл кишилиқ хусусияти сифатида ҳам кўриб чиқиш зарурлигини кўрсатади.

В.Н.Пушкин ва Л.С.Нерсисян касбий фаолиятга тайёрликни таркибий қисмларига қуйидагиларни киритадилар: биринчиси - ақлий салоҳият, иккинчиси, психофизиологик компонент, учинчиси, компонент фаолиятда ҳаракатлар таркибини уйғунлашуви. Н.С.Пономарева инновацион фаолиятга

тайёргарликнинг қуйидаги таркибий қисмларини аниқлайди: ташкилий ва бошқарув, таркибий, фаолият, мазмун ва субъектив.

Т.А.Прищепа ўқитувчининг инновационликка тайёргарлигининг қуйидаги таркибий қисмларини ажратиб кўрсатган: мотивацион-мақсадли, ахборот-когнитив, рефлексив конструктив, фаол-коммуникатив. И.Дерновский инновацион педагогикага тайёрликнинг тузилишини мотивацион, когнитив, ижодий, акс эттирувчи тўплам сифатида ўзаро боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган компонентлардан иборат деб таъкидлайди.

В.А.Сластенин ва Л.С.Подимоваларнинг илмий тадқиқотлари бевосита инновацион фаолият билан боғлиқдир. Олимлар инновацион фаолият компонентлари таркибига мотивацион, ижодий, технологик қисмларни киритадилар.

Диссертацияда инновацион фаолиятга тайёр талабаларга қўйиладиган умумий талаблар тузилмаси олий таълим муассасаларининг таълим-тарбия жараёнлари ижтимоий-иқтисодий ҳамда олий мактаб вазифалари талабларига мос ҳолда такомиллаштирилган (1-расм). Инновацион фаолиятга тайёр талабаларга қўйиладиган талаблар бешта йирик компонентдан ташкил топади:

1. Шахсий касбий фаолият. 2. Тарбиявий маънавий фаолият. 3. Инновацион фаолият. 5. Илмий фаолият.

Талабаларни касбий инновацион фаолиятга тайёргарлигининг натижавийлиги муайян даражада ижтимоий-психологик омилларга боғлиқ бўлиб, мазкур йўналишда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирлар таркибида бўлғуси иқтисодчи мутахассисларнинг инновацион фаолиятга тайёрлаш ижтимоий-психологик технологияларини ишлаб чиқиш муҳимдир.

Тадқиқотда инновацияни янгилик сифатида баҳолаш мумкин. Диссертацияда инновация ҳар қандай турдаги янгилик эмас, балки у амалиёт билан чамбарчас боғлиқ ва фаолият натижасида намоён бўлади, деган хулосага келинган. Инновация иқтисодий нуқтаи назардан илмий-техник салоҳиятни реал, янги маҳсулот ва технологияларни юзага чиқарадиган жараён бўлса, ижтимоий нуқтаи назарда инновация - таълим жараёнида талабаларни инновацион фаолиятга тайёрлашда амал қиладиган барча шакл, метод ва воситалар мажмуаларининг биргаликдаги фаолиятидир. Инновацион фаолият эса, янгиликни амалиёт татбиқ этиш эмас, балки янгиликни ишлаб чиқиш, татбиқ этиш, ўзлаштириш ҳамда бевосита амалиётга сингдиришга йўналтирилган мақсадли чора тадбирлар мажмуидир. Ижтимоий ҳаётда инновациялар инновацион фаолият натижасида ўз самарасини бериши аниқланган.

Диссертация ишининг **“Талабаларни касбий инновацион фаолиятини ташкилий-педагогик шарт-шароитлари”** деб номланган иккинчи бобида олий таълим муассасаларида инновацион фаолиятни ташкил этишда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш имкониятлари таҳлил қилинган, талабаларни касбий инновацион фаолиятга тайёрлашда замонавий педагогик воситалар, методлар ва таълимни ташкил этиш шакллари турли ёндашувлар асосида ривожлантирилган, талабаларни касбий инновацион фаолиятга тайёргарлигининг тизимли-амалий модели ташкилий педагогик шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган.

- 1.1. Билимдонлик.
- 1.2. Маҳоратлилик.
- 1.3. Компетентлик.
- 1.4. Рақобатбардошлилик.
- 1.5. Иқтисодий саводхонлик.
- 1.6. Ахборот коммуникацион технологияларни ўзлаштирганлик.
- 1.7. Соҳа янгиликларидан хабардор бўлиши.

### 1.2. Касбий маҳорат

- 1.2.1 Иш жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш.
- 1.2.2 Ишонтира олиш.
- 1.2.3 Эргаштира олиш.
- 1.2.4 Қалбга йўл топа олиш.
- 1.2.5 Дўстона ва самимий.
- 1.2.6 Билим қобилиятларини бошқара олиш.
- 1.2.7 Технологик маҳорат.
- 1.2.8 Нутқ маҳорати.
- 1.2.9 Инсонларнинг ёши ва шахсий хусусиятларни ҳисобга олиш.

### Эҳтиёжлар (3.1)


- 3.1.1 Билимга интилиш.
- 3.1.2 Ўз мавқеини кўрсатиш.
- 3.1.3 Ўзини-ўзи тарбиялаш.
- 3.1.4 Мустақил таълим олиш.
- 3.1.5 Ўз-ўзини ривожлантириш.

### Йўналишлар (3.2)

- 3.2.1 Қизиқиш.
- 3.2.2 Ижтимоий йўналганлик.
- 3.2.3 Қадриятларни билиш.
- 3.2.4. Ишончлилик.
- 3.2.5 Ахлоқий этик мойиллик.
- 3.2.6 Дунёқараш.

### “Мен”- концепцияси (3.3)

- 3.3.1 Мен ёқимлиман.
- 3.3.2 Мен керакман.
- 3.3.3 Мен қодирман.
- 3.3.4 Мен ижодкорман.
- 3.3.5 Мен биламан.
- 3.3.6 Мен бошқараман.
- 3.3.7 Мен ўзлаштираман.



- 5.1. Илмий изланиш.
- 5.2. Илмий ғоя ва ишланмалар яратиш.
- 5.3. Тадқиқотлар олиб бориш.
- 5.4. Илмий мақолалар тайёрлаш ва эълон қилиш.
- 5.5. Илмий раҳбарлик қила олиш.
- 5.6. Устоз-шогирд тизимида ишлай олиш

- 4.1. Новатор.
- 4.2. Иноватикага мойиллик.
- 4.3. Янгилик устида ишлаш.
- 4.4. Янги технологияларни жорий этиш.
- 4.5. Ҳамкорлик – ижодкорлик.
- 4.6. Креативлик.
- 4.7. Рефлексия.

- 2.1. Иродалилик.
- 2.2. Меҳрибонлик ва раҳимдиллик.
- 2.3. Мулоқатчанлик.
- 2.4. Эмоционал турғунлиги.
- 2.5. Бағрикенглик
- 2.6. Адолатлилик.
- 2.7. Виждонлилик.
- 2.8. Самимийлик.
- 2.9. Ҳалоллик.
- 2.10. Маънавиятни англаш.
- 2.11. Ўз-ўзини назорат этиш.
- 2.12. Иймон-этикодлилик.

### Шахсий фазилатлар (2.1)

- 2.1.1 Поклик.
- 2.1.2 Тўғри сўзлик.
- 2.1.3 Ўз фикрига эгалик.
- 2.1.4 Онгли тушунувчи.
- 2.1.5 Одамийлик.
- 2.1.6 Камтарлик.
- 2.1.7 Дил ва сўз бирлиги.
- 2.1.8 Ватанпарварлик.

1-расм. Иновацион фаолиятга тайёр талабаларга қўйиладиган талаблар структураси.

Замонавий глобаллашув шароитида ривожланган мамлакатлар тажрибасида инновацион фаолиятни ташкил қилиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича халқаро тажрибани ўрганиш масаласи нафақат корхона даражасида балки талабаларни касбий инновацион фаолиятга тайёргарлигини такомиллаштиришга ҳам хизмат қилади.

Жаҳон тажрибасида инновация фаолиятини ташкил қилиш муҳим аҳамият касб этади. АҚШ тажрибасида инновация фаолиятини тартибга солиш ва бошқариш органлари қуйидагилар ҳисобланади: Америка илм-фан фонди (фундаментал тадқиқотлар), Америка илмий кенгаши (саноат ва университетлар), НАСА (Миллий аэрокосмик агентлиги), Миллий стандартлар бюроси, Миллий соғлиқни сақлаш институти, Мудофаа вазирлиги, Миллий саноат тадқиқотлари маркази, Миллий фанлар академияси, Фан ривожланишини қўллаб-қувватлаш уюшмаси бўлиб ҳисобланади.

Талабаларни касбий инновацион фаолиятга тайёрлашда ҳозирги кунда жаҳон амалиётида таълим дастурларини амалга оширишда амал қилаётган кредит тизимини қўллаш мақсадга мувофиқ. Ушбу тизимнинг кенг тарқалган тизими АҚШ кредит тизими (USCS), Британия кредитларни йиғиш ва узатиш тизими (CATS), Европа кредитни узатиш тизими (ECTS) ва Осиё –Тинч океани университетларининг кредитни узатиш тизими (UCTS). Европа кредит тизими (ECTS) – Болония таълим жараёнининг асосидир, биринчи навбатда, талаба томонидан қабул қилинган таълимнинг умумий ўлчовларини танлаш учун восита сифатида яратилган. Америка кредитни жамғарма тизими (USCS) нинг энг муҳим томони ҳар қандай таълим дастурининг интизомини кредит соатларида ўзлаштиришга сарфланган соатларнинг ўтказилиши ҳисобланади, уларнинг комбинацияси таълим даражасини аниқлайди.

Талабаларни касбий инновацион фаолиятга тайёргарлигига қуйидаги омиллар таъсир этади: қотиб қолган ташкилий тузилмалар (ўқитишнинг анъанавий тарздалиги, ўқитувчининг педагогик маҳорати); ортиқча марказлаштирилган жараённинг мавжудлиги; қатъий иерархик тамойил; вертикал оқимнинг устунлиги; талабалар орасида ҳаракатларда мавжуд қийинчиликларни юзага келиши; меҳнат бозорида кадрларга бўлган эҳтиёжларнинг таҳлили талаб даражасида эмаслиги; битирувчиларнинг манфаатларидаги мувофиқлаштирилган тизимнинг мавжудлиги.

Талабаларни касбий инновацион фаолиятга тайёргарлигини такомиллаштиришнинг ташкилий педагогик шарт-шароитларининг уч босқичда ўрганилган бўлиб, унинг биринчи ва иккинчи босқичида мақсад, мазмун, ёндашувлар ҳамда замонавий педагогик воситалар, методлар тизими ва ташкил этиш шакллари турличалилиги билан изоҳланиб, унинг учинчи босқичи 1-жадвалда келтирилган.

Олиб борилган илмий тадқиқотимиз давомида йиғилган назарий ва амалий маълумотлар иқтисодиёт ва ишлаб чиқариш соҳасида касбий инновацион фаол, мобил мутахассисларни тайёрлаш бўйича ижтимоий буюртма асосида талабаларни касбий инновацион фаолиятга тайёргарлигининг тизимли – амалий моделини ишлаб чиқишга асос бўлди. (2-расм).


Талабаларни касбий инновацион фаолиятга тайёргарлигининг тизимли амалий моделини ишлаб чиқишда ижтимоий ва касбий фаолиятларни шакллантириш бўйича олий таълим муассасалари битирувчиларига қўйиладиган талаблар ва талабаларни ижодий ўз-ўзини ривожлантириш, мустақил фикрлаш, инновацион фаолиятга тайёрлик мотивацияси асосида талабаларни касбий инновацион фаолиятга тайёргарлигини ривожлантиришдан мақсади белгиланган. Шунингдек, мазкур мақсадни амалга оширишдаги вазифалар қуйидагилардан иборат: касбий инновацион фаол талабани шакллантириш; инновацион фикрлаш, ижодий қобилиятларини ривожлантириш; инновацион фаолиятга тайёрлик ва касбий инновацион фаолиятни эгаллаш учун барқарор мотивацияни ривожлантириш.

**1- жадвал.**

**Талабаларни касбий инновацион фаолиятга тайёргарлигини такомиллаштиришнинг ташкилий-педагогик шарт-шароитлари**

<b>Учинчи босқич: ўқув лойиҳаларини тайёрлаш, тадқиқот жараёнида талабаларни касбий инновацион фаолиятга тайёргарлигини ижодий ривожлантириш босқичи.</b>	
<b>Ташкилий-педагогик шарт-шароитни амалга ошириш</b>	
<b>Мақсад</b>	Касбий инновацион фаолиятга тайёрлик, касбий етуклик, касб билан боғлиқ бўлган эҳтиёжларнинг ҳиссий намоён бўлиши
<b>Мазмун</b>	“Инновацион иқтисодиёт”, “Билимлар иқтисодиёти”, “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” ҳамда “Касбий таълим услубиёти” фанлари дастурлари бўйича тўққизинчи-ўн иккинчи модуллари
<b>Ёндашувлар</b>	Инновацион (объектив ва субъектив янгиликлар, мақсад, мазмун асосида натижалардаги янгиликлар), фаолиятли (ўқитувчининг инновацион фаолияти, талабанинг фаол ўқув билиш фаолияти, П ва Т ҳамкорликдаги фаолияти, Т ва Т билан ҳамкорликдаги фаолияти), Компетентлик (таянч компетенция, мутахассисликка оид компетенция).
<b>Замонавий педагогик воситалар, методлар тизими ва ташкил этиш шакллари</b>	<b>Педагогик дастурий воситалар:</b> дастурий маҳсулотлар, технологик ва методик таъминот, қўшимча ёрдамчи воситалар (тарқатма материаллар (курс иши ва лойиҳани ҳимоя қилиш жараёнида), мавзуларга оид интернет, электрон таълим ресурслари интернет тармоғидаги манбалар билан ишлашга доир топшириқлар, компьютер, проектор, электрон доска). <b>Инновацион педагогик методлар:</b> анъанавий (оғзаки, суҳбат, намоёиш, видео усул ва ҳ.з.) ҳамкорликда ўрганиш (ақлий ҳужум, кичик гуруҳларда ишлаш, интервью, давра суҳбати ва ҳ.з.), моделлаштириш (ишбилармон ўйинлар, ролли ўйинлар), тадқиқот (муаммоли вазият, лойиҳалаш, йўналтирувчи матн, кейс – стади). <b>Ташкилий шакллари:</b> “Маъруза”, “Амалий машғулот”, “Мустақил таълим”, малакавий ва БМИ олди амалиёти.
<b>Натижа</b>	Талабалар касбий инновацион фаолиятга тайёр бўлиши, танлаган иқтисодчи касбига нисбатан меҳр-муҳаббатда бўлиши, касбий етукликка эришиш, касб билан боғлиқ бўлган эҳтиёжлар келгуси инновация фаолиятида намоён бўлади. Талаба касбий инновацион фаолиятга тайёр бўлади.

Талабаларни касбий инновацион фаолиятга тайёргарлигида мазмун, яъни давлат таълим стандарти, ўқув режа, фан дастури, ишчи фан дастурлари, ўқув адабиётлари: дарслик, ўқув қўлланма, маъруза матн, мустақил ишлар тўплами, электрон манбалар (ахборот таъминоти) муҳим ҳисобланади.



**2-расм. Талабаларни касбий инновацион фаолиятга тайёрлашнинг тизимли – амалий модели.**



Талабаларни тизимли (самарали маъруза, амалий машғулотлар тизими), технологик (blended learning, flipped learning, билимларни тўла ўзлаштириш, ақлий ҳаракатларни босқичма-босқич шакллантириш), интегратив (ёндашувлар интеграцияси, педагог ва талаба фаолияти интеграцияси, метод, восита ва технологиялар интеграцияси, шакллар интеграцияси), инновацион (объектив ва субъектив янгиликлар, мақсад, мазмун асосида натижалардаги янгиликлар), фаолиятли (ўқитувчининг инновацион фаолияти, талабанинг фаол ўқув билиш фаолияти, педагог ва талаба ҳамкорликдаги фаолияти, талаба ва талаба билан ҳамкорликдаги фаолияти), компетентлик (таянч компетенция, мутахассисликка оид компетенция) ёндашувлар асосида инновацион фаолиятга тайёргарлигини такомиллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Талабаларни касбий инновацион фаолиятга тайёргарлиги замонавий педагогик воситалар, методлар тизими ва ташкил этиш шакллари ташкил танлаш муҳим ҳисобланиб, улар қуйидагилардан иборат:

педагогик дастурий воситалар: дастурий маҳсулотлар, технологик ва методик таъминот, қўшимча ёрдамчи воситалар (тарқатма материаллар (курс иши ва лойиҳани ҳимоя қилиш жараёнида), мавзуларга оид интернет, электрон таълим ресурслари, интернет тармоғидаги манбалар билан ишлашга доир топшириқлар, компьютер, проектор, электрон доска;

инновацион педагогик методлар: анъанавий (оғзаки, суҳбат, намойиш, видео усул ва ҳ.з.) ҳамкорликда ўрганиш (ақлий хужум, кичик гуруҳларда ишлаш, интервью, давра суҳбати ва ҳ.з.), моделлаштириш (ишбилармон ўйинлар, ролли ўйинлар), тадқиқот (муаммоли вазият, лойиҳалаш, йўналтирувчи матн, кейс – стади);

ташкилий шакллари: “Маъруза”, “Амалий машғулот”, “Мустақил таълим”, малакавий ва битирув малакавий иш олди амалиёти.

Диссертациянинг учинчи боби **“Талабаларни касбий инновацион фаолиятга тайёргарлигини такомиллаштириш самарадорлиги”** деб номланган. Ушбу бобда талабаларни касбий инновацион фаолиятга тайёргарлигини такомиллаштиришга қаратилган тажриба-синов ишларининг ташкил этилиши, педагогик тажриба-синов ишлари натижалари ва уларнинг таҳлили масалалари ёритилган бўлиб, тажриба-синов ишининг мақсади, вазифалари, босқичлари аниқланган; тажриба-синов ишининг аниқловчи босқичи натижалари таҳлил қилинган; иқтисодиёт олий таълим муассасалари талабаларини касбий инновацион фаолиятга тайёргарлиги моделини амалиётга жорий этиш ҳамда унинг самарали ишлаши учун педагогик шарт-шароитлар ишлаб чиқилган; ўрганиш самарадорлигини тасдиқловчи тажриба-синов иши натижалари таҳлил қилинган.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Фарғона давлат университети, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ва Андижон машинасозлик институтлари талабаларини касбий инновацион фаолиятга тайёргарлигини такомиллаштиришга доир тажриба-синов ишларини ташкил этиш учун дастлаб тадқиқот фаразига мос дастур ишлаб чиқилди.

Талабаларни касбий инновацион фаолиятга тайёргарлигини ташкил этиш ва баҳолаш жараёни инновацион фаолиятга тайёргарлигини ифодаловчи қобилиятлари қуйидаги мезонлар орқали аниқланди: *мотивацион; коммуникатив; ижодий ҳамкорликка оид; ташкилий; интеллектуал* (2-жадвал).


Яқунловчи босқичда барча мезонлар бўйича юқори (креатив) даражалар тажриба гуруҳида 4,3 % - 12,0 % оралиғида, ўрта (продуктив) даражалар 23,2 % - 69,8 % оралиғида, паст (репродуктив) даражалар эса, 19,4 % - 73,5 % оралиғида бўлган.

**2-жадвал.**

**Барча мезонлар бўйича яқунловчи босқичдаги натижалар**

Мезонлар	Гуруҳ	Сони	Баҳолаш даражалари					
			Юқори (Креатив)		Ўрта (Продуктив)		Паст (Репродуктив)	
			сонда	%да	сонда	%да	сонда	%да
<b>Умумий</b>								
<i>Мотивацион</i>	Тажриба гуруҳи	324	35	10,8%	226	69,8%	63	19,4%
	Назорат гуруҳи	328	14	4,3%	96	29,3%	218	66,5%
<i>Коммуникатив</i>	Тажриба гуруҳи	324	29	9,0%	213	65,7%	82	25,3%
	Назорат гуруҳи	328	11	3,4%	76	23,2%	241	73,5%
<i>Ижодий ҳамкорликка оид</i>	Тажриба гуруҳи	324	33	10,2%	209	64,5%	82	25,3%
	Назорат гуруҳи	328	15	4,6%	79	24,1%	234	71,3%
<i>Ташкилий</i>	Тажриба гуруҳи	324	34	10,5%	206	63,6%	84	25,9%
	Назорат гуруҳи	328	14	4,3%	78	23,8%	236	72,0%
<i>Интеллектуал</i>	Тажриба гуруҳи	324	39	12,0%	212	65,4%	73	22,5%
	Назорат гуруҳи	328	17	5,2%	89	27,1%	222	67,7%

Ушбу жадвал маълумотларига кўра, статистик ишлов бериш  $\chi^2$  мезонидан фойдаланилди. Статистик таҳлил натижасига кўра барча таълим муассасаларида  $\chi^2_{\text{кузатув}} > \chi^2_{\text{критик}}$  бўлгани учун тажриба гуруҳларидаги талабаларнинг касбий инновацион фаолиятга тайёргарлик даражаси назорат гуруҳларига нисбатан *Мотивацион* 16% га, *Коммуникатив* 16% га, *Ижодий ҳамкорликка оид* 15% га, *Ташкилий* 16% га, *Интеллектуал салоҳиятлари* 16% га ошганлиги исботланди.



**3-расм. Мезонлар бўйича самарадорлик кўрсаткичлари.**

Ушбу жадвал ва график маълумотларига кўра барча таълим муассасаларида ишонч интерваллари бир-бири билан устма-уст тушмайди ва кесишмайди. Шунинг учун олинган натижаларнинг ҳаққонийлиги исботланди.

Демак, бош ўртача қийматлар тенглиги ҳақидаги  $H_0$  нолинчи гипотеза рад этилиб,  $H_1$  гипотеза қабул қилинади. 95 % ишончлилик билан айтиш мумкинки, тажриба гуруҳларидаги ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари ҳар доим назорат гуруҳларидаги ўртача ўзлаштириш кўрсаткичларидан юқори бўлди. Бундан, жорий қилинган таълим самарали эканлиги ҳақидаги хулоса келиб чиқади.

Тақдим этилган маълумотларга асосланиб, биз назорат гуруҳида олинган натижаларнинг озгина ва тажриба-синовдан сўнг тажриба гуруҳи натижаларининг сезиларли ўзгаришини таъкидлаймиз. Якуний ташхисдан кейин назорат гуруҳи ва тажриба гуруҳи ўртасидаги катта фарқ иқтисодиёт таълим йўналиши талабаларининг касбий инновацион фаолиятга тайёрлаш жараёнида тасдиқланган педагогик шарт-шароитларнинг самарадорлигини кўрсатади.

Тажриба-синов иш жараёнида олинган натижалар талабаларни касбий инновацион фаолиятга тайёргарлигининг тизимли – амалий моделини ишлаши учун ушбу ишнинг биринчи бобида назарий жиҳатдан асосланганлигини исботлади.

## ХУЛОСА

“Талабаларни касбий инновацион фаолиятга тайёргарлигини такомиллаштириш” мавзусидаги педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Назарий манбалар мазмуни таҳлилида, талабаларнинг касбий инновацион фаолиятларини шакллантириш, уларнинг шахсий ва касбий камолотини таъминлаш учун зарур педагогик-психологик шарт-шароитларни яратиш, таълим мазмунини ва тузилмасини модернизациялаш ҳамда унинг сифатини назорат қилиш ва баҳолаш механизмини ишлаб чиқилиши таъкидланган.

2. Талабаларни касбий инновацион фаолиятга тайёргарлиги мазмун-моҳиятига кўра функционал фаолият ҳақидаги амалий билимлар ҳамда шахсинг ўз қобилиятидан иборат бўлиб, буларнинг натижасида мутахассиснинг касбий инновацион кўникмалари шаклланади, лойиҳалаш, тажрибавий ва технологик вазифаларни ижобий ечиш имкониятларини кенгайтириши аниқланди.

3. Талабаларни касбий инновацион фаолиятга тайёргарлиги билан боғлиқ олиб борилган илмий тадқиқот ишларини таҳлили асосида касбий инновацион фаолиятни, яъни функционал вазифаларни, муваффақиятли бажаришга оид касбий инновацион фаолият мазмун ва моҳиятини очиб берувчи таркибий тузилма (структура) такомиллаштирилди.

4. Талабаларни касбий инновацион фаолиятга тайёргарлиги кўрсаткичлари (мотивацион, коммуникатив, ижодий ҳамкорликка оид, интеллектуал ва ташкилий) аниқланди.

5. Талабаларни касбий инновацион фаолиятга тайёргарлигининг дидактик таъминоти мазмуни таълимни педагогик дастурий воситалар (мақсадга йўналтирилган дастурий маҳсулотлар, технологик ва методик таъминот), қўшимча ёрдамчи воситалар (тарқатма материаллар, интернет, мавзуларга оид бўлган электрон таълим ресурслари, интернет тармоғидаги манбалар билан ишлашга доир топшириқлар), инновацион педагогик методлар: анъанавий (оғзаки, суҳбат, намоёиш, видео усул ва ҳ.з.) ҳамкорликда ўрганиш (ақлий ҳужум, кичик гуруҳларда ишлаш, интервью, давра суҳбати ва ҳ.з.), моделлаштириш (ишбилармон ўйинлар, ролли ўйинлар), тадқиқот (муаммоли вазият, лойиҳалаш, йўналтирувчи матн, кейс – стади) технологияларидан фойдаланиш имкониятлари белгиланди.

6. Талабаларни касбий инновацион фаолиятга тайёргарлиги “Инновацион иқтисодиёт”, “Билимлар иқтисодиёти”, “Касбий таълим методикаси”, “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” фанларида ўтказилган маъруза, амалий машғулотлар ҳамда мустақил таълимларда моделлаштириш (ишбилармон ўйинлар, ролли ўйинлар), тадқиқот (муаммоли вазият, лойиҳалаш, йўналтирувчи матн, кейс – стади) ва электрон таълим ресурслари таълим жараёнига татбиқ этишнинг самарадорлиги аниқланди.

7. Инновацион ёндашувлар тизимли (самарали маъруза, амалий машғулотлар тизими), технологик (blended learning, flipped learning, билимларни тўла ўзлаштириш, ақлий ҳаракатларни босқичма-босқич шакллантириш), интегратив (ёндашувлар интеграцияси, педагог ва талаба фаолияти интеграцияси, метод, восита ва технологиялар интеграцияси, шакллар интеграцияси), инновацион (объектив ва субъектив янгиликлар, мақсад, мазмун асосида натижалардаги янгиликлар), фаолиятли (ўқитувчининг инновацион фаолияти, талабанинг фаол ўқув билиш фаолияти, педагог ва талаба ҳамкорликдаги фаолияти, талаба ва талаба билан ҳамкорликдаги фаолияти), компетенциявий (таянч компетенция, мутахассисликка оид компетенция)га асосланган ҳолда талабаларни касбий инновацион фаолиятга тайёргарлигини такомиллаштирилган дидактик таъминоти асосида кўп компонентли тизимли-амалий модель такомиллаштирилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**МАМАЖАНОВ ИКРАМЖОН ГАНИЖОНОВИЧ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ГОТОВНОСТИ СТУДЕНТОВ К  
ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ИННОВАЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ**

**13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений.**

**АВТОРЕФЕРАТ  
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2021**

**Тема диссертации доктори философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2020.1.PhD/Ped1391.**

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу [www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz), а также на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz).

**Научный руководитель:**

**Ҳакимова Муҳаббат Файзиевна**  
доктор педагогических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Ибрагимов Холбай Ибрагимович,**  
доктор педагогических наук, профессор,

**Нурумбекова Яркинай Анорматовна,**  
доктор философии по педагогическим наукам (PhD).

**Ведущая организация:**

**Джизакский государственный педагогический институт**

Защита диссертации состоится «21» XII 2021 г. в 8<sup>00</sup> часов на заседании Специализированного совета DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 при Ташкентском государственном педагогическом университете (Адрес: 100011, г. Ташкент, Чиланзарский район, ул. Бунёдкор, 27. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86; e-mail: [tgpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tgpu_kengash@edu.uz)).

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного педагогического университета (зарегистрирован за № 1496) Адрес: 100011, г. Ташкент, Чиланзарский район, ул. Бунёдкор, 27. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86.

Автореферат диссертации разослан «10» XII 2021 года  
(реестр протокола рассылки № 37 от 10. XII 2021 года).

  
**Б.С.Абдуллаева**  
Председатель научного совета по  
присуждению ученых степеней,  
д.п.н., профессор;

  
**Р.Г.Исянов**  
Ученый секретарь научного  
совета по присуждению ученой степеней  
к.ф.н., доц.

  
**Н.А.Муслимов**  
Председатель научного семинара  
при научном совете по присуждению  
ученых степеней,  
д.п.н., профессор.



## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и необходимость темы диссертации.** В мировой системе образования внедрены в образовательный процесс модульные технологии, направленные на совершенствование подготовки студентов к профессиональной инновационной деятельности, подготовку к инновационной деятельности, внедрение интеллектуального потенциала, решение инновационных вопросов овладения знаниями, навыками и квалификацией в процессе образования. В США, Англии, Франции, Германии, Японии, Корее, России ведутся системные работы по совершенствованию требований, предъявляемых к личностно-профессиональным, воспитательным, научному, инновационному направлениям студентов и самоуправлению.

В образовательных и научно-исследовательских учреждениях мира ведутся научные исследования по развитию подготовки студентов к профессиональной инновационной деятельности, совершенствованию многокомпонентной системной модели подготовки студентов к профессиональной инновационной деятельности, систематическому развитию факторов (социальная среда, интеграция науки, образования и производства, учебно-методическое обеспечение, педагогическая компетентность), обеспечивающих педагогические возможности инновационной деятельности. Вместе с тем, уделяется особое внимание научным исследованиям по совершенствованию подготовки студентов к профессиональной инновационной деятельности, совершенствованию мониторинга оценки уровня знаний, эффективному использованию организационных, интеллектуальных критериев, связанных с мотивационным, коммуникативным, творческим сотрудничеством.

В нашей стране в последние годы созданы нормативно-правовые основы создания целостной системы подготовки студентов к профессиональной инновационной деятельности в высших образовательных учреждениях, подготовки кадров с высоким потенциалом, стремящихся к новшествам, способных заниматься инновационной деятельностью, совершенствования инновационной деятельности, расширения охвата направлений профессиональной деятельности, развития профессиональной инновационной деятельности, а также расширения материально-технической базы. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в качестве приоритетных намечены задачи продолжения политики «... подготовки высококвалифицированных кадров в соответствии с современными потребностями рынка труда», «стимулирование научно-исследовательской и инновационной деятельности, создание эффективных механизмов внедрения научных и инновационных достижений в практику»<sup>2</sup>. Это, в свою очередь, создаст условия для совершенствования и внедрения формирования, методов и средств подготовки студентов к профессиональной инновационной деятельности.

---

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

Данное диссертационное исследование в определённой степени служит реализации задач, намеченных в Указах Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”, от 8 октября 2019 года №УП-5847 “Об утверждении Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года”, постановлениях Президента Республики Узбекистан от 20 апреля 2017 года №ПП-2909 “О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования”, от 27 июля 2017 года №ПП-3151 “О мерах по дальнейшему расширению участия отраслей и сфер экономики в повышении качества подготовки специалистов с высшим образованием”, от 5 июня 2018 года №ПП-3775 “О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в осуществляемых в стране широкомасштабных реформах”, Послании Президента Республики Узбекистан Олий Мажлису от 28 декабря 2018 года, а также других нормативно-правовых документах, соответствующих данной деятельности.

**Соответствие исследования с приоритетным направлениями развития науки и технологий республики.** Данная исследовательская работа выполнена в рамках направления развития науки и технологий республики I. «Формирование системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии информационного общества и демократического государства и пути их реализации»

#### **Степень изученности проблемы.**

